

## **БУХОРО ВОҲАСИНИНГ ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРДА ҒЎЗАНИ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ УСУЛИНИНГ ТУПРОҚ ТУЗ РЕЖИМИГА ТАЪСИРИ**

**Кўзиев Фарҳод Серобович.**

*“ТИҚҲММИ” МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқарши институти  
мустақил тадқиқотчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Бухоро вилоятининг шўрланган механик таркибига кўра енгил қумоқ тупроқлари шаротитида ғўзанинг Бухоро-102 навини этиштиришда томчилатиб суғоришда мақбул суғориш техникаси элементларини аниқлаш асосида суғориш тартибини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот натижалари келтирилган. Ғўзанинг Бухоро-102 навини суғоришда томчилатиб суғориш техникаси элементларининг тупроқ туз режимига таъсири ўрганилган.

**Калит сўзлар:** шўрланган тупроқлар, томчилатиб суғориш, суғориш меъёри, томизғичнинг сув сарфи, томизғичлар орасидаги масофа, пахта ҳосили.

**Кириш.** Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши натижасида Марказий Осиёда сўнгги 50-60 йил давомида музликлар майдони тахминан 30 фоизга қисқарган. Тахминларга кўра, ҳарорат  $2^{\circ}\text{C}$  га ортганда музликлар ҳажми 50 фоизга,  $4^{\circ}\text{C}$  га исиганда эса, 78 фоизга камаяди. Ҳисоб-китобларга кўра, 2050 йилгача Сирдарё ҳавзасида сув ресурси 5 фоизга, Амударё ҳавзасида 15 фоизгача сув ресурсларининг камайиши кутилмоқда. “Ўзбекистонда 2015 йилгача бўлган даврда сувнинг умумий тақчиллиги 3 млрд куб метрдан ортиқни ташкил қилган бўлса, 2030 йилга бориб 7 млрд куб метрни, 2050 йилга бориб эса, 15 млрд куб метрни ташкил қилиши мумкин”. Бугунги кунда дунёда глобал иқлим ўзгариши ва сув тақчиллиги кучайиб бораётган даврда сув тежовчи суғориш технологияларни кенг кўллаш натижасида сув тақчиллигининг салбий оқибатларини камайтириш,

кишлоқ хўжалиги экинларидан барқарор ва сифатли ҳосил олишни таъминлаш бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Дунё олимлари томонидан жаҳонда сув тақчиллигининг салбий оқибатларини юмшатиш сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш, шўрланган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳамда барқарор ҳосил олишни таъминлаш бўйича устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Сув танқислиги шароитида сув тежовчи суғориш технологияларининг самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳамда барқарор ҳосил олиш, шўрланган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқнинг сув-физик хоссалари ва туз режимини мақбуллаштириш ҳамда унумдорлигини оширишнинг истиқболли йўналишига айланмоқда.

**Тадқиқот мақсади:** Бухоро вилоятининг ўртача даражада шўрланган, механик таркибига кўра енгил қўмоқ тупроқлари шароитида ғўзанинг Бухоро-102 навини томчилатиб суғорища мақбул суғориш техникаси элементларини аниқлаш, уларнинг ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳамда пахта толасининг сифат кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш, ғўзани томчилатиб суғоришнинг суғориладиган ерларнинг мелиоратив режимига таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Бухоро вилоятининг ўртача даражада шўрланган, механик таркиби бўйича енгил қўмоқ тупроқлар шароитида биринчи тажриба иши Бухоро вилояти Жондор тумани Самончик МФЙ ҳудудида жойлашган “Ниёз Ниёзов” фермер хўжалиги далаларининг ўртача даражада шўрланган, механик таркиби бўйича енгил қўмоқ тупроқлари шароитида 2021-2023 йиллар давомида олиб борилди. Тажриба даласида сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги 1,8-2,4 метрни ва уларнинг минерализацияси 3,2-3,8 г/л ни ташкил этади. Тадқиқотлар вазифаларини амалга оширишда ягона тизим бўйича дала тажрибалари ўтказилиб, бунда ғўзанинг Бухоро-102 навини томчилатиб суғорища суғориш техника элементларини аниқлаш бўйича суғориш тартибини ишлаб чиқиши ва суғориш

техникаси элементлари ўрганилди. Илмий тадқиқот ишлари “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” (ПСУЕАИТИ 2007 йил) бўйича Бухоро вилояти Жондор туманининг V-гидромодуль худудига тегишли механик таркиби бўйича енгил кумоқ тупроқлари шароитида олиб борилди. Тажриба ишлари 7 та вариант, 3 қайтариқда амалга оширилиб, тажрибалар бир ярусда жойлаштирилди ҳамда ҳар бир қайтариқнинг майдони  $720\text{ m}^2$  (узунлиги 100 м, кенглиги 7,2 м), тажриба даласининг ҳисобий майдони –  $2160\text{ m}^2$  ни, умумий майдони эса,  $15120\text{ m}^2$  ни ташкил қилди. Мазкур дала тажрибаларида томчилатиб сугорилган барча вариантлар сугориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-80-65 % да, ўғитлаш меъёрлари ҳам бир хилда, N-200, P-150, K-100 кг/га меъёрида қўлланилди. Шунингдек, тадқиқотларнинг эгатлаб сугорилган назорат яъни 1-вариантда сугориш ишлари сугориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % да, ўғитлаш меъёрлари ҳам бир хилда, N-250, P-175, K-100 кг/га меъёрида қўлланилди.

**Тахлил ва натижалар:** Юқорида келтирилган долзарб муаммолардан келиб чиқкан ҳолда 2021-2023 йилларда Бухоро вилоятининг қадимдан сугориладиган ўтлоқи аллювиал, механик таркибига кўра енгил кумоқ, ўртача даражада шўрланган тупроқлари шароитида ғўзани томчилатиб сугориш бўйича тажрибалар олиб борилди. Ғўзани сугоришда тажрибаларнинг назорат яъни 1-вариантида анъанавий усулда яъни эгатлаб сугориш ишлари амалга оширилган бўлса, 2-7 вариантларда томчилатиб сугориш технологияси асосида мақбул сугориш техникаси элементлари ўрганилди. Ғўзани томчилатиб сугоришда томизғичли ленталар ҳар бир эгатга ва эгат оралатиб сугориш ишлари амалга оширилиб, тажрибаларнинг 2-3 вариантларида томизғичнинг сув сарфи 1,6 л/соатни, 4-5 вариантларда 1,8 л/соатни ҳамда 6-7 вариантларда томизғичнинг сув сарфи 2,0 л/соатни ташкил қилди. Тадқиқотлар давомида томчилатиб сугорилган барча вариантларда томизғичлар орасидаги масофа 40 см ни ташкил этди. Тажриба майдонида тупроқнинг туз режимини ўрганиш учун унинг 1 метр қатламидан (0-30, 30-70, 70-100 см) намуналар вегетация бошида ва охирида ҳамда ҳар бир

суғоришдан олдин ва кейин олиниб, унинг таркибидаги Cl, HCO<sub>3</sub>, SO<sub>4</sub> ва қуруқ қолдиқ миқдори аниқланди. Аниқланган маълумотларига кўра вегетация бошида тупроқнинг ҳайдов қатламида (0-30 см) Cl иони 0,008 % ни 1 метрлик қатламида 0,011 % ни ташкил қилган бўлса, қуруқ қолдиқ миқдори ҳайдов (0-30 см) қатламда 0,142 % ни ва 1 метрлик қатламда бу кўрсаткич 0,226 % га teng бўлди. Тажрибалар охирида амал даври охирида тупроқдаги тузлар миқдори таҳлил қилинганда тупроқдаги хлор иони миқдори тажрибаларнинг назорат яъни эгатлаб суғорилган 1-вариантида ҳайдов (0-30 см) қатламда 0,030 % га ва 1 метрлик қатламда 0,34 % ни ташкил қилган бўлса, қуруқ қолдиқ миқдори мос равишда ҳайдов ва 1 метрлик қатламда 0,234; 0,424 % га teng бўлди. Fўзани томчилатиб суғоришда томизғичнинг сув сарфи 2,0 л/соатни томизғичли қувурлар ҳар бир эгатга тўшалган 6-вариантда тупроқ таркибидаги хлор иони миқдори ҳайдов ва 1 метрлик қатламда 0,024; 0,027 % ни ташкил қилган бўлса қуруқ қолдиқ миқдори ҳайдов (0-30 см) қатламда 0,175 % га ва 1 метрлик қатламда 0,331 % га teng бўлиб, назорат вариантига нисбатан тупроқдаги хлор иони миқдори 0,006-0,007 % га ҳамда қуруқ қолдиқ миқдори 0,059; 0,093 % га кам йифилганлиги аниқланди. Тажрибаларда тупроқ таркибидаги тузлар миқдори тажрибаларнинг томчилатиб суғорилган вариантида амал даври охирида кам йифилганлигига асосий сабаблардан бири fўзани суғоришда катта миқдорда суғориш сувлари билан тузларнинг кириши олди олиниб, ер ости сизот сувларидан тузларнинг тупроқнинг ҳайдов қатламига келиб қўшилиши олди олинганлиги билан изоҳлаш мумкин.

**Хуноса:** Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра Бухоро вилоятнинг ўртача даражада шўрланган, ўтлоқи аллювиал, механик таркибига кўра енгил кумоқ тупроқлари шароитида fўзанинг Бухоро-102 навини томчилатиб суғоришда суғориш техникаси элементлари: Fўзани томчилатиб суғоришда томизғичнинг сув сарфи 2,0 л/соатни томизғичли қувурлар орасидаги масофа 60 см ни ташкил қилган вариантда тупроқ таркибидаги хлор иони миқдори ҳайдов ва 1 метрлик қатламда 0,024; 0,027 % ни ташкил қилган бўлса, қуруқ қолдиқ миқдори ҳайдов (0-30 см)

қатламда 0,175 % га ва 1 метрлик қатламда 0,331 % га тенг бўлиб, назорат вариантига нисбатан хлор иони миқдори 0,006-0,007 % га ҳамда қуруқ қолдиқ миқдори 0,059; 0,093 % га кам йиғилганлиги кузатилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган консепсиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024 сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони
3. “Methods of field experiments” of the Research Institute of Cotton Breeding and Seed Production Agrotechnologies
4. Авлиёқулов А.Э. ва бошқалар. Районлаштирилган ва истиқболли янги ғўза навларининг илмий асосланган парваришлиш агротадбирлар тизими. // Тошкент. 2007 й., 9-11-б.
5. А.Қ.Жўраев. Fўзани томчилатиб суғоришда озиқлантириш тартибининг ўсимликни ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири “Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” илмий журнал. 3/1-сон, Хива, 2024 йил. 189-191 бетлар.
6. М.Хамидов., А.Қ.Жўраев. Томчилатиб суғоришнинг пахта ҳосилига таъсири // Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журнали, № 4 Тошкент, 2024 йил 46-48 бетлар.